
Фуқаролар мурожаати эътиборда!

Бугун 2021 йил 4 январь куни Қувасой шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари Р.Рахимжонов Қувасой шаҳар Халқ қабулхонасида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш мақсадида қабул ўтказилди.

Ўтказилган сайёр қабулда 40 дан ортиқ фуқаролар иштирок этди. Сайёр қабулда шунингдек, шаҳардаги ташкилот ва муассасалар мутасаддилари қатнашдилар.

Мулоқотда бандликни таъминлаш, табиий газ, электр таъминоти, ижтимоий таъминот, кредит ҳамда бошқа масалаларга оид 32 та мурожаат келиб тушди.

Мурожаатларнинг бир нечтаси жойида ижобий ҳал этилиб, асосли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Қолганлари белгиланган муддатларда ўрганилиб, чора кўриш учун тегишли ташкилот ва масъулларга бириктирилди ҳамда ижроси назоратга олинди.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги

Каналга уланиш:

<https://t.me/joinchat/AAAAAEgsEcrdR4nnw1mKl>

2021-01-04 20:04:52